

ХАБАРЛАР

Москвада ёқилғи тақчиллиги ортидан электромобилларга талаб ошди

дақиқа аввал



Россиянинг кўплаб ҳудудларида ёқилғи танқислиги, узун навбатлар ва нархларнинг ошиши ҳайдовчиларни электромобилга ўтишга ундамоқда.

Айниқса, Москвада электромобилларга талаб ошгани кузатилмоқда.

Сўнгги ҳафталарда Украина томонидан Россия энергетика инфратузилмасига берилган зарбалар бензин ва дизель таъминотини қисқартирди. Бу эса мамлакатнинг аксар ҳудудларида чекловлар жорий қилинишига олиб келди.

Reuters ҳисоб-китобларига кўра, айрим ҳудудларда чакана бензин нархи Европадаги энг юқори кўрсаткичларга етган.

— Ҳозир кунига икки-учта электромобил сотяпмиз. Уч ҳафта олдин бу кўрсаткич бир ойлик савдо ҳажми эди. Ҳайлашимча, ойига 10–15 та машина сотиларди. Ҳозирча харидларнинг катта қисми 2–2,5 миллион рубллик бюджет тоифасидаги автомобиллар ҳиссасига тўғри келмоқда, - деди EN-CARS дилерлик маркази асосчиси ва эгаси Евгений Забелин.

Автосалонда харидорлар Хитойнинг Geely компанияси ишлаб чиқарган электр йўлтанламасларини кўздан кечирмоқда.

Ёқилғи нархлари январдан майгача бўлган даврда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 12 фоиздан кўпроқ ошгани сабабли электромобилларга бўлган талаб аллақачон ўсишни бошлаган эди.